

Мундарижа

Кириш.....	2
I боб. Барқарор иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий-услубий асослари	6
1.1 Барқарор иқтисодий ривожланиш тушунчасининг назарий жиҳатлари ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар.....	6
1.2 Иқтисодиётни барқарорлаштириш сиёсати ва ҳудудларда уни амалга оширишнинг хусусиятлари.....	16
II боб. Самарқанд вилоятининг барқарор иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	25
2.1. Самарқанд вилоятини иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили.....	25
2.2. Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган инвестиция фаолияти натижалари таҳлили.....	39
III боб. Самарқанд вилоятини барқарор иқтисодий ривожлантириш йўналишлари.....	50
3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси.....	50
3.2. Вилоят иқтисодиётини барқарор ривожлантириш йўналишлари.....	56
Хулоса ва таклифлар.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади. Ўзбекистонда ҳам ҳар йили макроиқтисодий кўрсаткичлар ривожланиш жараёнларининг барқарорлиги ва уларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Президентимиз И.Каримов барқарор иқтисодий ўсиш ҳақида шундай фикр билдирадилар: “Барқарор иқтисодий ўсиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи асосларидан биридир. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни барқарорлаштириш – иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Иқтисодиётни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтираемиз”¹.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва

¹ Каримов И. “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқи. 1993 йил 2 сентябрь.

2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди².

Албатта бундай кўрсаткичларга ўзидан-ўзи эришиб бўлмайди. Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичидаёқ оқилона ва самарали иқтисодий сиёсат ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, барқарор ривожланиш омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишига имконият яратди.

Шуларни инобатга олганда, мамлакатимизда ва унинг ҳудудларида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўллари бўйича илмий ишлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий - иқтисодий ўсишнинг асосий муаммолари бўйича хорижий олимлардан Дж.М. Кейнс, Р. Солоу, Р. Харрод, С. Фишер, шунингдек, МДҲ олимларидан В.С. Немчинов, А.Г. Гранберг, В.Я. Райцин, жумладан, республикаимиз олимларидан Т.Ш. Шодиев, Б.Ю. Ходиев, С.В. Чепель, Х.М. Муратова, У. Мадрахимовларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Самарқанд вилоятида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўллари бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари.

- барқарор иқтисодий ривожланиш тушунчасининг назарий жиҳатлари ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларини ёритиб бериш;

- иқтисодиётни барқарорлаштириш сиёсати ва ҳудудларда уни амалга

² Каримов.И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришяқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи. 15.01.2016

оширишнинг хусусиятларини ўрганиш;

- Самарқанд вилоятини иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлил қилиш;

- Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган инвестиция фаолияти натижаларини таҳлил қилиш;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш;

- вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш йўллари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти. Самарқанд вилояти иқтисодиёти ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Самарқанд вилоятида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлларини илмий ва амалий асослаш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари қилиб, Президент И.А.Каримовнинг қатъор маъруза ва асарларида баён этилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш бўйича илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ва асосий йўналишлар, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг ушбу йўналишда амалга оширган илмий ишлари, хўжалик юритувчи субъектларда эришилган илғор тажрибалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари олинди.

Битирув малакавий ишининг янгилик элементи.

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали вилоят иқтисодиётини барқарор иқтисодий ривожлантириш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки ишдаги назарий, амалий ва таҳлилий маълумотлар, хулоса ва таклифлар

“Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиқтисодий сиёсат”, “Макроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш”, “Иқтисодий ўсиш моделлари” каби фанларни ўқитиш жараёнида, шунингдек барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишда Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг ҳажми ва тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, асосий мазмунини ифодаловчи олти савол, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Барқарор иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий – услубий асослари

1.1 Барқарор иқтисодий ривожланиш тушунчасининг назарий жиҳатлари ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, янги тизим барпо этишга киришган кунданок унинг олдидаги асосий мақсадлардан бири - ишлаб чиқаришни кескин пасайишини олдини олиш, иқтисодий барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат эди.

Одатда иқтисодий барқарор ривожланиш деганда иқтисодий инқирозга барҳам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражада сақлаб туриш ва иқтисодиётни соғломлаштириш тушунилади.

“Иқтисодий ва молиявий барқарорлик таркибий ўзгартиришлар, иқтисодиётни жонлантириш, сўнгра уни бир маромда, мувозанатни сақлаган ҳолда ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён. У энг аввало танглик ҳодисаларига барҳам беришга қаратилган. Барқарорлаштирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги биз иқтисодий танглик ва барқарорлик тушунчасига қандай маъно беришимизга, уларни қандай идрок қилишимизга, қайси мезонларга кўра баҳолашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир”³.

Иқтисодий барқарор ривожланишга эришиш, айниқса мустақил миллий иқтисодиётни қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда улар билан боғлиқ равишда юзага келадиган тангликдан чиқиб кетиш жараёнида осон эмасдир.

Ишлаб чиқаришнинг чуқур тангликка йўлиқишини четлаб ўтишга интилиш корхонани бозорнинг талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш учун фан ва техниканинг, илғор технологиянинг энг янги

³ Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Т.:«Ўзбекистон», 1995., 194 -б.

ютуқларини излаш ва жорий этишга, ундайди. Буларнинг барчаси пировард натижада кескин рақобатчилик шароитида ишлаб чиқаришнинг барқарорлигига эришишга, инқирознинг олдини олишга йўналтирилган. Бу, кенгроқ караганда, бозорда талаб билан таклиф ўртасида қулай мувозанат таъминланишига олиб келади.

Иқтисодий барқарор ривожланиш иқтисодий ўсиш суръатларининг бир текис динамикаси таъминланишида, инфляция суръатининг жиловланишида, ишсизлик даражасининг паст суръатда таъминланиб турилишида, узок муддат миллий валютанинг алмашинув курсининг пасайиши (девальвацияси) даражасининг паст суръатларига эришилишида, давлат бюджети тақчиллиги меъёрлар даражасида бўлишида намоён бўлади.

Жамиятдаги чуқур ва сифатли ўзгаришлар иқтисодий ўсиш суръатларига қараб юз беради. Ҳозирги босқичда жамият ҳаётидаги шиддатли ўзгаришлар иқтисодий барқарор ўсиш натижасидир. Иқтисодий ўсиш жамиятдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ёки аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ортиб бориши билан ўлчанади. Уни албатта реал ялпи миллий маҳсулот ёки реал миллий даромаднинг кўпайиши ифода этади.

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлоқ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар,

биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва

шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди;

иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади;

учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади⁴:

$$\checkmark C = \frac{ЯИМ_{жорийдавр} - ЯИМ_{базисдавр}}{ЯИМ_{базисдавр}} \times 100\%$$

бу ерда: $\checkmark C$ – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;

$ЯИМ_{базис давр}$ – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

$ЯИМ_{жорий давр}$ – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ўсиш қуйидаги икки усул билан аниқланади:

- реал ЯИМ ни (ЯММ,СММ) ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умумиқтисодий имкониятлари ҳаракатини ифодалаш учун ишлатилади;

- реал ЯИМни (ЯММ, СММ) ўтган даврга нисбатан аҳоли жон бошига ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакат ижтимоий ривожланиши даражасини ва ҳаракатининг сифат ўзгаришларини ифодалаш учун фойдаланади. Иқтисодий ўсиш суръатлари ва қўшимча ўсиш суръатлари бир-биридан фарқланади:

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ўсиш мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб боришини ҳам англатади. Миллий

⁴ Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учебник 2-е изд., перер. и доп. под редакци академика Видяпина В.И., Добронина А.И., Журавлев Г.П., Тарасевича Л.С., М: ИНФРА – М, 2005.

ишлаб чиқариш натижаларининг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши пировардида ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ўнг томонга қараб силжишига олиб келади. Иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади. Иқтисодиёт мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ кондиритиш имконига эга бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда, унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилик даражаси турли мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун 8-10% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёрадаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун 2-3% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин⁵.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайитириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди шундай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Гап шундаки, ўсишнинг экстенсив усулининг нафақат ижобий томони

⁵ Эффективный экономический рост: Теория и практика. Учебное пособие для студентов экономических вузов. Под редакцией Чечеловой Т.В. М: Экзамен, 2006 г. 320 стр.

(оддий ва арзон ўсиш, маълум бир чегараларгача), балки салбий томони ҳам мавжуд:

- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдорий ўсиши техник-иқтисодий прогресс билан кузатилмаганлиги сабабли, унга техник қотиб қолишлик хусусиятлидир;

- аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши харажатли характерни ўзига қабул қилади. Бу иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқаришда иқтисодий ресурсларни кўпайтириш ва уларни жалб қилиш суръатларидан орқада қолишни англатади. “Ғарб мутахассисларининг фикрига кўра, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда Россияда ҳар бир маҳсулот сонига 2-3 марта кўп бўлган хом ашё, материаллар ва энергиялар тўғри келади”⁶.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Интенсив ўсиш модели бир қатор янги тавсифларга, хусусиятларга ва устунликларга эга:

- иқтисодиёт ўсишининг бир мунча қийин усули бўлиб, унда илмий-техник ривожланиш ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шунга мувофиқ, у ишлаб чиқариш кучлари, техника, технологияларнинг юқори даражада ўсишини ва ходимларнинг юқори маълумотини ва мутахассислигини назарда тутаяди;

- иқтисодиётнинг айнан мана шу ўсиш усули ресурсларнинг чегараланганлик муаммосини ҳал этиш имконини беради. Бу эса, айнан мана

⁶ Грегори Менкью “Макроэкономика”. М.: МГУ. 2006 г., 327 стр.

шу усулда иқтисодиёт ўсишининг асосий манбаларидан бири бўлиб ресурсларни тежаи, ҳисобланади, бу жамият учун ресурслар ўсишига караганда бир мунча арзонга тушади.

Бироқ, иқтисодиётнинг интенсив ўсиш усулига ўтиш осон иш эмас. Бунинг учун иқтисодиёт таркибини прогрессив қайта қуриш, илмий соҳалар улушини кўпайтириш, ишчи кучини тегишли қайта тайёрлаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётда кўчиб юришидаги енгиллик ва бошқалар талаб қилинади. Шу сабабдан, бозор ислохотлари йўлидан ҳаракатланиш иқтисодиёт ўсишининг интенсификациялаш (кучайтириш) шартларидан биридир.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли кўпроқ устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари ҳақида сўз юритилади. Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади .



1.1.1 - расм . Иқтисодий ўсишнинг тавсифловчи кўрсаткичлар⁷

⁷ Назарий билимлар асосида тайёрланди

Ушбу расмда берилган кўрсаткичларга қуйидагича изоҳ бериш мумкин. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;
- б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;
- в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;
- г) меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи қуйидагиларда намоён бўлади:

- технологик билимларни чуқурлашуви ёки ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш шароитни яхшиланиши;

- ривожланган мамлакатлар томонидан қолоқ мамлакатларга ўз билим ва тажрибаларини бериш ва бу орқали уларни оптимал нуктага етказиш;

- ишлаб чиқаришнинг жисмоний омилларини яхшиланиши, бу омилларни кўпроқ фойда келтирадиган соҳа ва минтақаларга сарфланиши. Тадқиқотдан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, қачонки омилларни жойлаштиришда оптимал ҳолат юзага келса, бу ҳолатда ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилади. Бундай оптималлаштиришнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

а) қишлоқ хўжалигини интенсивлашуви натижасида ҳосил бўлган ортиқча ишчи кучини жойлаштирилиши натижасида йиғилган капитални яхшироқ ишлатилишини таъминланади;

б) кичик, мустақил ишлаб чиқарувчилар секторини қисқартириш (қишлоқ хўжалигидан ташқари банд бўлганлари) орқали аграр секторда бўлаётган ўхшаш ўзгаришларга эришиш;

в) халқаро савдодаги мавжуд чекловларни бекор қилиш орқали халқаро меҳнат тақсимотини яхшилаш.

- ишлаб чиқаришни махсуслашуви ва миллий бозорларнинг катталашуви орқали иқтисодиёт масштабларининг ўсиши.

Ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва янги технологиялар билан таъминланиши, яъни автоматлаштирилиши иш вақтини тежалашиги, ҳамда иш самарадорлигини ошишига олиб келади. Бу ўз навбатида иш ходимларини маънавий-маданий ҳордиқ чиқаришларига имконият яратиб, янги иш кунида фаол иштирокларини таъминлайди.

Шунингдек, ишчи ходимларининг иш вақтини тежалиши уларнинг бошқа қўшимча фаолият билан шуғулланишларига имконият яратиб, шахсий даромадларининг орттиришга ва фойда массасини кўпайтиришга олиб келади. Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади. Бунда иқтисодиётнинг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар иқтисодиётнинг миқдорий ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар таклиф омиллари деб ҳам аталади. Бу омиллар қуйидагилар⁸:

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
2. Ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;
3. Асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми ва сифати;
4. Технология ва фан-техника тараққиёти.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишга олиб келувчи омилларни тўлароқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Табиий ресурсларнинг ўзигина иқтисодий ўсишни таъминлаб беролмайди. Чунки, тажрибалардан иқтисодий табиий ресурслари кам бўлган

⁸ Шодмонов Ш., Ғафуров У. Бозор иқтисодиёти асослари. Илмий-оммабоп нашр. – Т.: ТДИУ, 2007.

давлатлар ҳам иқтисодий ўсиш тез суръатларда бўлганлигини кўриш мумкин. Лекин табиий ресурслардан оқилона ва режали фойдаланиш албатта иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифатининг юқорилиги меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келади. Бунинг учун ишчи кучига капитал киритиш мақсадга мувофиқдир. Биз даромадни кискариб кетиш қонуниятини рад этган ҳолда бир вақтнинг ўзида инвестицияни инсон капиталига ҳамда физик капиталига киритсак. Бу модел доимий самарадорликни назарда тутганлиги учун физик ва инсон капиталларининг йигиндисидан олинадиган доимий даромад ҳисобига ҳам икки баробар даромад олиш имкониятлари юзага келади.

Асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми ва сифати. Ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизаци қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали ресурслар ва энергиядан тежамкорлик ҳисобидан иқтисодий ўсишга эришилади.

Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Техника тараққиёти ўз ичига нафақат ишлаб чиқаришнинг бутунлай Янги усулларини, балки бошқариш ва ишлаб чиқариш ташкил қилишнинг янги шаклларини ҳам олади . Умуман айтганда фан-техника тараққиёти дейилганда пировард маҳсулот чиқаришни кўпайтириш мақсадида мавжуд ресурсларни янгича уйғунлаштиришни тақазо қилувчи янги усулларнинг топилиши ҳам тушунилади.

Амалиёт техника тараққиёти ва капитал қўйилмалар (инвестициялар мустаҳкам ўзаро боғлиқ, техника тараққиёти кўпинча Янги машина ва ускуналарга инвестициялар қўйишга олиб келади. Масалан, атом энергиясидан фойдаланиш бўйича технологияни қўллаш учун атом локтрестенцияларини қуриш зарур бўлади. Биринчи қарашда техника тараққиёти тарихий ва шиддатли рўй бериш хусусиятига эга бўлади. Газ ва

ёқилғи двигетеллари, конвейер ва йиғма линиялар бизнинг ҳаётга ўтишимиз энг муҳим ютуқлари сифатида кириб келди.

Мамлакатимиз олдида иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш борасидаги асосий вазифа, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги усул ва шакллари жорий қилиш ҳисобланади. Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади. Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидан, яъни меҳнат сарфлари ва унумдорлиги ўртасидаги муносабатини тўғри ташкил этишдан иборат бўлади. (1.1.2 - расм).



1.1.2-расм. Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми⁹.

Реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин бўлиб, у

⁹ Назарий билимлар асосида тайёрланди

кўйидагилардан, жумладан, ресурсларнинг кўпроқ ҳажмини жалб этилиши ҳамда улардан анча унумли фойдаланиш йўлларида иборат. Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, меҳнат сарфлари – ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони билан ишлаган киши соатларининг ўртача миқдорлари билан аниқланади. Меҳнат унумдорлигининг ўсишини аниқлаб берувчи асосий омил ҳар бир ишловчига тўғри келувчи асосий капитал ҳажми ҳисобланади. Маълум вақт ичида капиталнинг ҳажми мутлоқ кўпайиши мумкин, аммо ишчи кучи сони тезроқ ўсса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, чунки ҳар бир ишчининг асосий капитал билан қуролланганлик даражаси камаяди.

Меҳнат унумдорлиги эса биринчи навбатда ишчи ходимларнинг таълим ва малака тайёргарлигига боғлиқдир. Инсон капиталига инвестициялар кўйиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниқки, ишчи кучи сифатининг энг оддий кўрсаткичи таълим даражаси ҳисобланади. Ҳозирги даврда республикамиз иқтисодиётида банд бўлганларнинг 80 фоизга яқини олий ва ўрта махсус таълимга эга.

Шунингдек, амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни сусайтириб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикамизда давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

1.2 Иқтисодиётни барқарорлаштириш сиёсати ва ҳудудларда уни амалга оширишнинг хусусиятлари

Барқарорлаштириш сиёсати - энг аввало, бу макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий

ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул кадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёردа сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади иқтисодий пасайишни олдини олиши ички ҳам ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда принцип жиҳатдан ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи бир неча хил ёндашувлар таркиб топган бўлиб, улардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

биринчиси – монетар ёндашув деб аталиб, пулнинг кадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бу хил ёндашув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, кўпинча ишлаб чиқаришнинг моддий-ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади;

иккинчиси – ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантиришга, таркибий қайта ташкил қилишларни амалга оширишда кўмаклашишга, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир меъёردа қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади, товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги чора тадбирларнинг муҳим қисми аксилинфляция сиёсатидир.

Аксилинфляция сиёсати – баҳолар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Аксилинфляция сиёсати инфляцияни юзага келтирган сабабларни тугатишга қаратилган фаол ва инфляция шароитларига мослашишга

каратилган пассив кўринишда бўлиши мумкин.

Аксинфляция сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ялпи талабни тартибга солиш;
- ялпи таклифни тартибга солиш.

Кейнсчилар биринчи йўналиш тарафдорлари бўлиб, улар давлат буюртмаси ва арзон кредит ҳисобига самарали талабни шакллантириш асосида ялпи таклиф даражасини кўтариш мумкин деб ҳисоблашади. Ҳукуматнинг бу тадбирлар иқтисодий пасайишни қисқартиради ва ишсизликни камайтиради.

Аммо бундай аксинфляция сиёсати давлат бюджети тақчиллигини юзага келтиради ва қўшимча пул эмиссиясига эҳтиёж туғдиради. Кейнс давлат бюджети тақчиллигини давлат томонидан олинадиган узоқ муддатли қарзлар ҳисобига қоплашни таклиф этган.

“Аксинфляция сиёсатининг монетаристик йўналиши тарафдорлари кейинчалик, кейнсчиларнинг инфляцияга қарши кураш бўйича таклифлари доимо самара беравермагач ва камчиликлари юзага чиқиб қолгач юзага келди. Жумладан, бир қатор мамлакатларда давлат қарзи ҳаддан ошиб кетди. Бундай шароитда монетаристлар радикал аксинфляция усулларини таклиф этишди. Улар ялпи талабни конфискация типигаги пул ислоҳоти ўтказиш ҳисобига чеклаш ва бюджет тақчиллигини ижтимоий дастурларни қисқартириш камайтиришни таклиф этишди”¹⁰.

Монетаристлар инфляция айнан пул билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли шок терапияси пул массасининг ўсиш суръатларини кескин қисқартиради ва инфляция суръатларини туширади деб ҳисоблашади. Аммо бунда ишлаб чиқариш кескин пасайиши ва бандлилик қисқариши мумкин.

Конфискация типигаги шок терапияси кўринишларидан бири бўлиб даромадларнинг ва баҳоларнинг номинал даражаларини ўзгартирмаган

¹⁰ Агапова Т.А. Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. и перераб. и доп.- М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. с. 214.

ҳолда эски пулларни белгиланган нисбатда янгисига алиштириштириш ҳисобланади.

Бундай тадбирлар аҳоли томонидан оҳир қабул қилиниши сабабли, у қисқа муддатда самара бериши зарур.

Монетаристлар томонидан таклиф қилинаётган аксилинфляция сиёсатининг яна бир кўриниши – инфляция суръатларини аста секинлик билан пасайтириб бориш (градуаллаш) усулидир. Бу усулда инфляция суръатлари пул массасини кўп мароталаба, лекин оз оздан камайтириш орқали пул массасининг ўсиш суръатини пасайтиришни кўзда тутди. Градуаллаш усули инфляцияни аста секинлик билан пасайтира бориб иқтисодиётда чуқур пасайишни олдини олиш имконини беради.

Градуаллаш усулини қўллаш пул массаси ва баҳолар даражасининг йиллик ўсиш суръати 20-30 фоиздан ошмаганда муваффақиятли бўлади, деб ҳисобланади.

Аксилинфляция сиёсатининг монетар усулларга муқобил бўлган вариантларидан бири баҳолар ва даромадларни тартибга солиш сиёсатидир. Бу усул даромадларнинг ўсиши ва баҳоларнинг ўсиши ни мувофиқлаштиришни (адаптив сиёсат) кўзда тутди.

Даромадлар ва баҳоларни тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш ҳукумат томонидан баҳолар (нархлар) ва даромадлар даражаларини музлатиб қўйиш, пул кўринишидаги иш ҳақининг ўсишини ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлаб қўйиш орқали амалга оширилади.

“Солиқлар таркибини ўзгартириш, ялпи солиқ тушумларидаги тўғридан-тўғри солиқларнинг улушини камайтириш, билвосита солиқлар улушини кўпайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, уларнинг рағбатлантириш функцияларини кучайтириш, давлат бюджети харажатларини пасайтириш

кабилар ҳам инфляцияга қарши кураш тадбирлари ҳисобланади”¹¹.

Аксилинфляция сиёсатининг у ёки бу турини танлаш инфляция жараёнларининг хусусиятига боғлиқ.

Инфляциянинг юқори суръатларини олдини олиш учун ҳукумат қўйидагиларни таъминлаши керак:

- самарали солиқ тизимини ва давлат харажатлари нинг баақарорлигини;
- пул массаси ва миллий даромаднинг бир маромдаги ўсиш суръатларини;
- “инфляцияни импорт қилиш” га йўл қўймаслик.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида барқорарлаштириш масаласига ёндашув тангликдан, узокқа чўзилган чуқур тангликдан ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз эсон-омон чиқишдан иборат бўлиб, бунга фақат ишлаб чиқаришга таянган ҳолдагина, моддий бойликларни бевосита яратаётганларга суянган ҳолда эришишга қаратилди.

Ўзбекистон Респбликаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “макроиқтисодий барқарорлик биз учун куруқ мақсад эмас. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибини янгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун тегишли шарт-шароит яратишнинг ҳаётий зарур босқичи сифатида муҳимдир”¹².

Барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда республикасмзда таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун муқаррар бўлган доирадагина ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилиши мумкину, лекин унинг издан чиқишига асло йўл қўйиб бўлмайди деб белгиланди. Бошқача айтганда, бу

¹¹Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие- М.:КНОРУС,2008, с.62.

¹² Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон»,1995.,194-б.

ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига эришиш, демакдир. Яна соддарок қилиб айтадиган бўлсак, бу – рақобатга бардош бера оладиган ва харидорларнинг истеъмол талабларини қондиришни таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир.

Республикамизда ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида у устувор, катта истикболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириши, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаши (нефть – нефть мустақиллиги, энергетика – энергетика мустақиллиги, дон – ғалла мустақиллиги, пахта-ни қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказишга қаратилди.

Монетаризм ҳеч қачон ишлаб чиқаришни танглиқдан олиб чиқишга қодир бўлган ягона йўналтирувчи ва ҳал қилувчи куч бўлган эмас. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқиш чоғида ана шу каттиқ монетаризмга таянилмасдан мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқларни ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилди.

Республика ҳукумати тараққиётнинг устувор йўналишларини макроиқтисодий мувозанатга қурбон қилмасдан ислоҳотлар ўтказиш билан бир вақтда давлат мустақиллиги ва иқтисодий мустақилликни таъминлашга ҳаракат қилди.

Ана шу қоидалардан келиб чиқиб, иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

—агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни тех-ника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

—устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юк-салтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига қўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва

ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодий ичдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб қолиш. Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўриш йўли билангина миллий валютани мустаҳкамлашга эришиш, узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ички бозорини жонлантириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини сақлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун учли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида зарур таркибий ўзгаришларни ўтказиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожлантириш мақсад қилиб кўйилди. Давлат харажатлари, уларнинг таркиби шундай ташкил этилиши керакки, улар айна ана шу мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши ва бу ҳол бозорга ўтиш жараёнига ҳар томонлама кўмак бериши лозим.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодий барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб ҳолади. Солиқ тизими ислохот жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлгани ҳолда, иқтисодий ислохот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт. Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани – фискал (хазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш

вазифасини тўла даражада бажариши керак. Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим.

Солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат билан биргаликда, ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиёт тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади. Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий-хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш деб белгиланди. Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил – корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда пул-кредит сиёсати соҳасидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад пулнинг қадрсизланишини изчиллик билан камайтириш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги учун шарт-шароит яратиш йўли билан инқирозни бартараф этиш ва миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун зарур замин яратишдан иборат деб белгиланган бўлса иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида у барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилди.

Пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда пулнинг қадрсизланишига қарши самарали тадбирлар қўллаш зарур. Пул қадрсизланиши суръатларининг анча пасайтирилиши ҳозирги босқичда барқарорлаштириш сиёсатининг ўзагидир.

Бунда пулнинг қадрсизланишидаги мақбул суръатни танлашга пухта ўйлаб ёндашиш зарур. Пул қадрсизланишининг сунъий паст суръатларига эришиш ва бунинг учун ҳамиша ҳам мақбул бўлмаган ва, айниқса, иқтисодиётнинг орқага кетишига олиб борадиган ҳар қандай восита ва услублардан фойдаланиш тўғри бўлмайди. “Пулнинг қадрсизланишини

келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламаган ҳолда унинг суръатини сунъий равишда пасайтириш бу иллатнинг илдизи чуқурлашиб кетишига олиб бориши, бу эса кейинчалик ушбу жараённинг қайта бошланишига, инқирознинг бартараф этилишига эмас, балки унинг яна ҳам чуқурлашувига сабаб бўлиши мумкин. Шунини айтиш муҳимки, пулнинг кадрсизланиши устидан назорат ўрнатилиши барқарорлаштириш дастури муваффақиятли амалга оширилиши-нинг далили бўла олмайди. Пулнинг кадрсизланиши – иқтисодиётда чуқур номутаносиблик вужудга келганлигининг кўрсаткичи бўлиб, бу аҳволни дарҳол ўнглаб олиш керак бўлади”¹³.

Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувозанатларнинг бузилиши ётади. Шу сабабли инфляцияга қарши кураш – уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қаратилган бақувват таркибий сиёсатни амалга оширишдир. Бир қатор чет мамлакатларнинг инфляцияга қарши кураш тажрибаси шунини кўрсатадики, улар инфляция билан иқтисодиёт таркибининг бузилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, муомала соҳасини қатъий бошқариш ва тўловга қобилиятли ортиқча умумий талабни бартараф этиш билангина чекланмадилар. Муайян мақсадларга қаратилган йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Бу дастурлар ана шу номутаносибликни тугатиш ва, бинобарин, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш имконини берди.

¹³ Жўраев Т., Мустафоқулов Я., Аллаберганов З. “Иқтисодиётни барқарорлаштиришда пул-кредит сиёсати” // “Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуманнинг тезислари тўплами. Т.:ТДИУ., 2005., 22-б.

II боб. Самарқанд вилоятининг барқарор иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

2.1. Самарқанд вилоятини иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили

Республикамиз иқтисодиёти ривожланишида Ўзбекистоннинг нафақат маданий ва туристик маркази сифатида, балки ривожланган инфратузилма ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган аҳоли зич жойлашган ҳудудларидан бири ҳисобланган Самарқанд вилояти алоҳида роль ўйнайди. Бугунги кунда мазкур вилоят ҳудуди 16,77 минг кв. км.ни ёки республикамиз бутун ҳудудининг 3,7 фоизини ташкил этади. 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоятда жами 3445,6 минг киши истиқомат қилмоқда. Республикамиз жами иқтисодий фаол аҳолисининг 10,8 фоизини Самарқанд вилояти аҳолиси ташкил қилади.

Минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳудудий нисбатларни сақлаб туриш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасида ҳаддан зиёд узилишларга йўл қўймаслик мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, модернизация қилишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижасида Самарқанд вилоятида ишлаб чиқариш таркиби, бунинг оқибатида эса минтақанинг ижтимоий аҳволи ҳам ўзгарди. Бу турмуш даражаси ва аҳоли фаровонлигининг ошишида ўз аксини топди.

2013 йилда Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)нинг ҳажми амалдаги нархларда 7370,9 млрд. сўмгача ошди ва 2012 йил билан қиёслаганда ушбу кўрсаткич бўйича ўсиш суръати 108,2 фоизни ташкил этди (2.2.1 - жадвал). Мазкур вилоят ЯҲМнинг республикамиз ЯИМдаги улуши 2013 йилда 6,2 фоизни, республикамизда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти кўрсаткичидаги улуши 5,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 12,1 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда озиқ-овқат,

машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кабилар вилоят саноатининг етакчи тармоқлари ҳисобланади.

2.1.1-жадвал

Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг динамикаси

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да)	Амалдаги нархларда (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да)
Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)	3813,1	113,6	4810,4	110,9	6317,9	110,8	7370,9	108,2	9466,3	110,5
Асосий капиталга инвестициялар	878,8	140,7	1113,2	111,5	1383,3	110,9	1915,0	109,1	2185,6	103,4
Қурилиш ишлари	499,5	145,1	733,6	130,6	904,7	110,9	1214,5	113	1572,6	111,2
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш	1575,2	120	2072,4	111,4	2735,2	121,2	3376,7	112,5	4264,4	114,8
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	1177,2	120,5	1476,7	109,2	1711,7	103,6	2192,3	116,3	2413,6	118,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2064,5	107,6	2546,5	107,7	3580,0	106,4	3732,3	106,5	4394,1	106,9
Чакана савдо айланмаси	1602,9	119,9	2171,4	113,5	3009,7	111,8	3846,7	112,8	4890,1	115,2
Пуллик хизматлар	706,6	113,3	932,9	113	1298,7	116,8	1708,6	117,3	2268,2	117,6

Манба: Самарқанд вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилди

Самарқанд вилояти иқтисодиётининг бошқа соҳалари ҳам республика иқтисодиётининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, 2013 йилда вилоят республика кўрсаткичларидаги муайян улушни, масалан,

қурилиш ишларида 8 фоиз, пулли хизматлар кўрсатишда 8,2 фоиз ва бозор хизматлари кўрсатишда 6,2 фоизни таъминлади. Бундан ташқари, мамлакатимиз асосий капиталига киритилган инвестицияларда вилоят инвестицияларининг улуши 6,7 фоизни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва модернизация қилиш, рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бошқа тармоқларни ривожлантириш ва давлатнинг ижтимоий соҳасини барқарорлаштириш учун асосга айланмоқда. Бугунги кунда давлат саноат сиёсати саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши, юксак технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Технологик жараёнларни модернизация қилиш ва янгилашни амалга ошириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда реал сектор корхоналарини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши 2013 йилда Самарқанд вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 112,5 фоизни ташкил қилишига кўмаклашди.

Самарқанд вилоятида 2013 йилда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 16,3 фоизга ошди. Ушбу кўрсаткичнинг бундай ўсишига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик жиҳозларни харид қилиш ва айлама капитални тўлдириш учун кредитлар бериш орқали ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш ҳисобидан эришилди.

Бундан ташқари, ички талабнинг рағбатлантирилиши ва мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши 2013 йилда 2012 йил билан солиштирилганда чакана товар айланишининг 12,8 фоизга ва барча хизматлар ҳажмининг 17,3 фоизга ўсишини таъминлади

(2.1.1-жадвал). Товар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг барпо этилиши ва аҳоли бандлиги даражасининг ошиши вилоят аҳолиси реал даромадлари барқарор ўсишининг асосий омиллари бўлди.

Кўрсатилган бозор хизматлари алоҳида ўрин тутди. Республикамизда 2014 йил якунларига кўра бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда¹⁴. 2013 йил якунларига кўра республика бўйича кўрсатилган бозор хизматлари кўрсаткичида Самарқанд вилоятининг улуши 6,2 фоизни ташкил этди. Ушбу улуш республикамиз барча вилоятлари ичида энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, яъни Тошкент вилояти (28,6%) ва Тошкент шаҳридан кейин (9,3%) учинчи ўринда турибди.

Қурилиш республикамиз иқтисодиёти учун ҳам, хусусан, Самарқанд вилояти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2013 йилда республикамизда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмида вилоятнинг улуши 8 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали агротехнологияларни жорий этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини

¹⁴ Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 17 январь 2015 йил.

оширишга кўмаклашди. Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг республика кўрсаткичидаги улуши 2013 йилда ҳам салмоқли бўлиб, 12,1 фоизни ташкил этди.

Жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистон тажрибасига кўра ички ва ташқи ресурсларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобидан эришиладиган юқори инвестицияли фаоллик ҳар қандай давлат барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистонда фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда. У иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга йўналтирилган. Буларнинг барчаси республикамиз ва унинг вилоятлари иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажмининг ҳар йиллик ўсишини таъминламоқда. 2009 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (ҳақиқий кўрсаткичларда) 551,4 млрд. сўмдан 1915 млрд. сўмгача ёки 3,7 мартадан кўпга ошди. 2013 йилда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 2012 йилдагига нисбатан 109,3 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир кишига ҳисобланганда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг динамик ўзгариши, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ислохотларнинг натижавийлигидан яққол далолат бериб турибди. 2012 йилда Самарқанд вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ 1349 минг сўмни ташкил этди, 2013 йил якунларига кўра эса ушбу кўрсаткич 2159,8 минг сўмгача ошди.

Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган ҳар бир кишига ҳисобланганда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 815,6 минг сўмдан (2009 й.) 989,3 минг сўмгача (2013 й.), истеъмол товарлари 527,7 минг сўмдан (2009 й.) 642,3 минг сўмгача (2013 й.), чакана товар айланиши 903,5 минг сўмдан

(2009 й.) 1127 минг сўмгача (2013 й.), пулли хизматлар кўрсатиш 387,2 минг сўмдан (2009 й.) 500,6 минг сўмгача (2013 й.) ошди.

Самарқанд вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2012 йил билан солиштирилганда 2014 йилда ушбу кўрсаткич 1,4 марта ошиб, 561 минг сўмни ташкил этди.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса ёшларнинг бандлиги минтакалар учун катта ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга эга. Самарқанд вилоятида ушбу йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ишсизлик даражасини пасайтириш борасида кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Вилоятда янги иш ўринлари яратилмоқда, янги корхоналар ишга туширилмоқда, ишлаб турган кувватлар кенгайтирилиб, реконструкция қилинмоқда. 2013 йилда Самарқанд вилоятида жами 19109 мингта корхона ва ташкилот рўйхатга олинди. Вилоятнинг республикада рўйхатга олинган корхоналар сонигаги улуши 7,2 фоизни ташкил этди. Шу тариқа, ушбу омил ҳисобидан Самарқанд вилояти иқтисодиётининг тармоқларида банд бўлганлар сони 2013 йилда 1391,5 минг кишигача ошди. Вилоятнинг республика иқтисодиётида банд бўлганлар сонигаги улуши 10,8 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси ўзида ижтимоий мунасабатларнинг ҳуқуқий – ташкилий жиҳатини мужассам қилган ҳолда “хизматлар соҳаси” ҳамда “хизматлар бозорининг” тўлақонли шаклланишига асос яратилди.

Мамлакат ва унинг ҳудудий бирликлари хўжалик тизимининг тараққиётида хизматларнинг ўрни, унинг қуйидаги функцияларида ўз ифодасини топади:

1. Мамлакатда яратиладиган миллий даромад ва ялпи ижтимоий маҳсулотнинг муайян қисмини шакллантиришда иштирок этиш, шунингдек аҳолининг бандлиги билан боғлиқ муаммоларини ечиш орқали меҳнат ресурслари балансини таъминлашга кўмаклашиш;

2. Аҳолининг ҳаражатлари ва даромадлари ўртасидаги мутаносибликни

шакллантириш, ўзининг мультипликатив самараси¹⁵ орқали моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларида саноатнинг ва қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатларини оширишда ҳамда меҳнат унумдорлигининг ўсишига кўмаклашиш, турмуш даражасининг ижтимоий - ҳудудий тафовутларини бартараф этиш, бўш вақтдан унумли фойдаланиш, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ижтимоий тенгликни таъминлаш.

Булардан ташқари, хизматларнинг алоҳида турларининг саноат, туризм, аграр саноат каби кластерлардаги¹⁶ иштироқи орқали ҳудудий синергетик самарани¹⁷ ошираётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Хизматлар соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига урғу берар эканмиз, таъкидлаш жоизки, фаолиятнинг ушбу тармоғи ҳудудий омилларнинг таъсирига сезувчанлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунга кўра, хизматлар соҳасининг иқтисодиётини, ташкилий жиҳатларини илмий - амалий асосда ўрганишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида ажратиб тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир ҳудуднинг (маъмурий бирликнинг) ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берувчи сифат кўрсаткичларида ўз ифодасини топганлиги сабабли, хизматлар соҳаси корхоналарининг фаолият кўрсаткичларига миқдорий кўрсаткичлар орқали аниқ хулоса беришни чеклаб қўяди.

Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти жиҳатидан йирик, хўжалик тармоқлари изчил ривожланиб бораётган ҳудудларидан бири

¹⁵ Мультипликатив самара - мультипликатив самаранинг (эффект) моҳияти хизматлар соҳасининг кенгайиши (инвестициялар киритилиши) хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган тармоқлар фойдасининг ошишига, шунингдек ҳудуднинг ялпи даромадининг ўсишига сабаб бўлади.

¹⁶ Кластер- бир ҳудудда жойлашган турдош корхона ва муассасаларнинг ягона тизимга бирлашиши.

¹⁷ Синергетик самара – (юнонча *synergys* – биргаликдаги фаолият ёки ҳаракатлар уюшганлиги) тизимлар таркибидаги элементларнинг ўзаро уюшувида ҳосил бўладиган натижа. Иқтисодиётда синергетик самара (эффект) соҳалар ёки муайн ҳудудда турли йўналишда фаолият олиб бораётган алоҳида, мустақил субъектларнинг уюшуви, биргаликдаги фаолияти доирасида юзага келадиган ялпи иқтисодий ўсиш (самара) тушунилади.

бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, чакана ва улгуржи савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, уй-жой қурилиши каби тармоқларнинг ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Шунга мувофиқ ҳолда, кейинги йилларда хизматнинг янгидан-янги турлари ҳам пайдо бўлмоқда:

- кўчмас мулк савдоси, ахборотлаштириш, маркетинг ва реклама хизматлари, молиявий хизматлар;

- болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича (хусусий мактаб ва боғчалар, ОЎЮга тайёрлаш);

- ветеринария хизматлари (даволаш, овқатлантириш, эмлаш);

- ўй – жойлар қурилиш ва таъмирлаш хизматлари (муҳандислик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш хизматлари билан бирга);

- технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари;

- аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб пайдо бўладиган бошқа ижтимоий – маданий, маиший хизматлар.

Вилоятда кейинги йилларда хизматлар соҳасини тобора ривожлантириш масаласи бугунги кун тартибидан алоҳида жой олган.

Ҳудудий хизматлар соҳаси ва бозорини баҳолашда умумий мезонлари сифатида қуйидаги параметрларни кўрсатишимиз мумкин: иқтисодий, демографик, техникавий ва технологик, ресурслар миқёси, хизматларга бўлган талабнинг ҳажми, нархни шакллантирувчи ва бошқа омиллар.

Иқтисодий мезон бошқа омиллар ичида энг муҳими ҳисобланади.

Бугунги кунда хизматлар бозори олди-сотдиси жараёнининг тўлақонли предмети бўлиб, кўпгина ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда ва етакчи тармоғига айланиб бормоқда. Яъни бу:

- ҳудуд аҳолиси томонидан истеъмол қилинган товар ва хизматларнинг бозор нархидаги қиймати, шунингдек тўлов баланси, давлат харидларидан

иборат бўлган ҳолда Ялпи ҳудудий даромадни шакллантиради;

- шунингдек товар ва хизматларга сарфланган моддий ҳаражатлар каби кўрсаткичларни ўз ичига олган ҳолда Ялпи ижтимоий маҳсулотни яратади.

Вилоят ҳудуди иқтисодиётида хизматларнинг ривожланиши хизматлар соҳасининг сердаромадлиги, ресурсларга бўлган талабнинг нисбатан пастлиги натижасида кўшилган қиймат ҳажмининг муттассил ўсиши, хизматлар учун туловнинг қисқа вақт ичида амалга ошириши каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткич бу аҳоли даромади ҳисобланади. Демак, бу кўрсаткич аҳолининг тўловга қодирлигини таъминлаган ҳолда истеъмол талаби таркибида маиший техника ва жиҳозлар, мебеллар, автомобиллар, ўй – жойлар харид қилишга бўлган талабнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Мазкур ўзгариш, айниқса қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатининг ортиши натижасида уй-жой қурилишининг оммалашганлиги, ёш оилалар учун истеъмолол фондларининг ташкил этилганлиги, қишлоқ жойларда сервис марказларининг ҳамда объектларини бунёд этишга бўлган эҳтиёжнинг мутассил ошиб бориши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий дастурларнинг кенг қулоч ёйиши, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхона ва иншоотларнинг модернизациялашга киритилаётган капитал қўйилмалар эвазига хизматлар соҳасида инвестиция товарларининг ўсиб бориши истеъмол талабининг асосий таркибини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, хизматларнинг мураккаб ва меҳнат талаб бошқа турлари ҳам мунтазам кенгайиб бормоқда. Жумладан, хизматлар таркибида ахборот хизматлари, молиявий хизматлар, ишбилармонлик хизматлари, тиббий хизматлар каби мураккаб малакавий ресурсларни талаб этувчи хизматлар улушининг ортиб бориши ҳам турмуш даражасининг ўсиб бораётганлигидан дарак беради. Бу ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда меҳнат

билан машғул бўлган аҳолининг иш вақти ва бўш вақти ўртасидаги номуносиблик ҳам барҳам топмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши демографик мезонларга ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур мезон таркибида турли ёшдаги гуруҳларнинг сон жиҳатидан динамик ўзгариши, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ва лаёқати бўлмаган аҳоли ўртасидаги муносиблик, табиий ўсиш, аёллар ва эркеклар ўртасидаги тафовутлар каби параметрлар ўрин олган. Масалан, миллатнинг қариши оқибатида хизматларнинг тиббий, ҳаётни суғурталаш каби махсус турлари юксалиб боради.

Аёлларнинг ижтимоий меҳнатга кенг жалб этилиши сиёсати натижасида бизнес ва фермерлик соҳасида, бошқарув тузилмаларида фаол иштирок этиши билан бир қаторда сервис соҳасида ҳам улар таркибининг ўсиб бориши кузатилмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида истеъмол товарлари бозорининг ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш асосида кенгайиб бориши билан бирга хизматлар бозори ҳам ўсиб бормоқда. Хизматлар сотиш ҳажмининг ЯИМдаги улуши моддий товарлар ҳажми билан тенглашди.

Бундан ташқари, хизматларни бозорда силжитиш жадаллиги, хизматларнинг янгилааниш тезлиги, хизмат турларининг кўпайиш изчиллиги, истеъмолчилар ва бозор талабига мослашиш каби кўрсаткичлар бўйича товар ишлаб чиқаришга нисбатан жадал суръатларда бормоқда. Бунга далил сифатида вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган чора –тадбирларнинг ҳосиласи ўлароқ, қуйидаги рақамларга мурожат қиламиз (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

**Самарқанд вилояти бўйича хизматлар соҳасининг ривожланиш
суръатлари**

Кўрсаткичлар номи	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	таркиби %	ўтган йилга нисба тан, %	таркиби %	ўтган йилга нисба тан, %	таркиби %	ўтган йилга нисба тан, %	таркиби %	ўтган йилга нисба тан, %
Хизматлар жами	100,0	117,3	100,0	117,6	100,0	121,1	100,0	121,7
<i>шу жумладан:</i>								
савдо ва умумий овқатланиш	21,4	122,6	28,6	117,8	26,7	119,6	30,0	120,9
транспорт хизматлари	14,1	120,9	17,6	122,6	19,2	125,5	16,6	121,6
алоқа ва ахборотлаш- тириш хизматлари	5,6	133,4	6,9	126,4	7,1	136,3	5,8	131,0
молиявий хизматлар	5,4	121,0	7,1	116,1	7,6	132,7	6,1	133,2
сайёҳлик- экскурсия хизматлари	0,4	112,0	0,5	115,8	0,5	131,4	0,5	124,1
меҳмонхона хизматлари	0,3	120,4	0,4	121,2	0,5	113,9	0,4	
коммунал хизматлар	11,4	100,4	12,7	121,9	12,1	96,5	11,9	128,5
маиший хизматлар	3,2	114,0	3,9	121,7	7,3	127,6	6,9	
автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	1,5	118,4	статистик ҳисоботларга ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли кўрсатилмаган					
бошқа хизматлар	14,7	113,1	22,2	108,1	19,0	106,7	21,8	114,7

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

2014 йил якунларига кўра, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг ўсиш суръати давом этган. Самарқанд вилояти бўйича жами кўрсатилган хизматларнинг ҳажми 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 21.1% га ўсган. аҳолининг истеъмол ҳаражатлари таркибида пуллик хизматлар улуши мутассил ўсиб бормоқда. 2013-йилда ўтган йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 20.8% (19.6 % ўрнига)га ўсган. Аҳолининг умумий ҳаражатлари таркибида уй-жой коммунал хизматлари (31.7%), алоқа хизматлари (23.2%), маиший хизматлар (14%) ва транспорт хизматлари (11.9%) асосий ўрин тутди (80.8%). 2012-йилга нисбатан хизматлар ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари алоқа хизматлари (35,5% ўсган, қишлоқ жойларда 60.8%) бўлиб, аҳолининг замонавий ахборот хизматлари (мобил алоқа, Интернет хизматлари)нинг ўсиши, транспорт хизматлари (33.1% ўсган, қишлоқ жойларда 45.6%), суғурта ва ишбилармонлик хизматлари(34% ўсган, қишлоқ жойларда 5.3%), маиший хизматларга (27.8% ўсган, қишлоқ жойларда 58.4%) бўлган талабининг ортиб бориши билан изоҳланади. 2.1.3-жадвалда вилоятда хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденцияси хизмат турлари кесимида кўрсатилган.

Вилоятда савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб у бир томондан ишлаб чиқарувчиларга хизмат килади, иккинчи томондан истеъмолчиларга, учунчи томондан Давлатга хизмат килади ва туртинчидан у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади, уларни хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади.

Хусусан савдо товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқалар ва товар айрибошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади.

2.1.3-жадвал

Самарқанд вилоятида хизматлар ўсиш динамикаси
хизмат турлари кесимида (ўтган йилга нисбатан фоизда).

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 йил	2013 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	2015 йил	2014 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Хизматлар, жами	млрд. сўм	5324,0	121,7	5759,9	116,9
ЯХМга нисбатан % да	%	43,6	х	43,8	х
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	млрд. сўм	309,8	131,0	343,8	122,8
Компьютерли дастурлаш хизматлари	млрд. сўм	1,9	125,9	2,1	114,9
Молиявий хизматлар	млрд. сўм	324,1	133,2	381,7	124,7
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	млрд. сўм	885,1	121,6	1024,3	111,5
Қурилиш хизматлари	млрд. сўм	235,6	134,0	346,2	128,1
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	12,7	117,8	11,0	118,8
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	5,8	110,9	7,9	123,5
Сайёҳлик хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)	лрд. сўм	45,5	124,1	44,9	115,5
Савдо ва овқатланиш хизматлари	млрд. сўм	1599,1	120,9	1678,5	117,7
Маиший хизматлар	млрд. сўм	371,7	128,5	473,7	116,9
Таълим хизматлари	млрд. сўм	182,1	113,2	224,8	111,1
Соғлиқни сақлаш хизматлари	млрд. сўм	62,8	120,6	81,0	113,2
Қишлоқ хўжалиги соҳаси хизматлари	млрд. сўм	64,1	113,2	84,3	125,6
Бошқа хизматлар	млрд. сўм	1223,7	114,7	1055,8	113,6

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Республикамиз иқтисодиётида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини устувор даражада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида, вилоят иқтисодиётида хизматлар сифати яхшиланиб, унинг ЯХМдаги улуши нисбатан, ўсиб бормоқда. 3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси 2013 йили 2012 йилга нисбатан 24,1 фоизга ошган. Аммо, туристик ва экскурсия ҳамда меҳмонхона хизматларининг жами хизматлардаги улуши пастлигича қолмоқда. Вилоятнинг хизматлар жами 2014 йилда 5324,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда эса 5759,9 млрд сўмга ошганлигини кўриш мумкин яъни 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 116,9 фоиз ўсган.

2.2. Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган инвестиция фаолияти натижалари таҳлили

Ўзбекистонда инвестицион муҳитнинг муҳим аҳамият касб этиши ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатида яққол кўринади. Лекин, Ўзбекистоннинг кўплаб мураккаб молиявий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун инвестицион муҳит ҳақидаги масалаларнинг муҳим молиявий жиҳатларини ўрганиш ва ёритиш талаб қилинади. Бу эса миллий иқтисодиётимизга кенг миқёсдаги инвестициялар оқимини олиб келиши муқаррар. Мавжуд қувватлар юкланишини ошириш ЯИМни 8-12 %гача оширишга имкон беради. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими капиталларни мамлакатга кириб келишини бевосита таъминлайди. Ҳозирги пайтда инвестицион муҳитнинг Ўзбекистон минтақаларидаги ҳолати ва яхшилаш имкониятларини тавсифловчи омиллар қаторига куйидагиларни келтириш мумкин:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар (бюджет, тўлов баланси, давлат

- қарзлари);
- сиёсий барқарорлик ва уни олдиндан айтиб бериш мумкинлиги;
 - мулкчилик ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши, корпоратив бошқарув даражаси;
 - контрагентларнинг шартномаларни бажариш бўйича мажбуриятлари;
 - солиқ тизими сифати ва солиқ юки даражаси;
 - банк тизими ва бошқа молиявий институтлар сифати;
 - марказий ва маҳаллий ҳукумат органларининг ваколати ва сиёсати, улар тузилмасида манфаатларнинг можаролари даражаси;
 - иқтисодиётнинг очиклиги;
 - инфратузилманинг ривожланиш даражаси;
 - ишчи кучи сифати;
 - бозордаги монополия даражаси, бозорга киришдаги тўсиқлар ва бошқалар.

Айни пайтда инвестицион муҳит борасида ҳудудлардаги асосий муаммоларнинг мавжудлиги инвестициялаш имкониятлари чекланиши, ва самарадорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда, чунки инвестицион муҳитдаги молиявий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги айрим ҳудудларни оқсоқ ҳудудлар қаторига тушишига сабаб бўлади. Айни пайтда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркибини таҳлил қилганимизда, уларнинг ўсишини кузатамиз. Лекин, шу билан бирга айрим ҳудудларда уларнинг улуши қониқарсиз даражада эканлигини куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

2.2.1-жадвал

Минтақалар буйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

	млрд. сўм				фоизда			
	2005	2010	2012	2014	2005	2010	2012	2014
Ўзбекистон	3012,9	18220,2	22067,0	23831,2	100,0	100,0	100,0	100,0
ҚР	130,7	1331,8	1145,1	2902,6	4,3	7,3	5,2	12,2
Вилоятлар:								
Андижон	108,9	438,3	1139,9	988,8	3,6	2,4	5,2	4,1
Бухоро	235	2344,8	2307,3	2296,9	7,8	12,9	10,4	9,6
Жиззах	72,5	259,1	622,4	840,0	2,4	1,4	2,8	3,5
Қашқадарё	437,3	2543,8	2824,4	2756,0	14,5	14,0	12,8	11,6
Навоий	214,4	814,0	1559,7	1103,5	7,1	4,5	7,1	4,6
Наманган	108,8	529,9	728,0	1082,1	3,6	2,9	3,3	4,5
Самарқанд	143,7	635,6	1356,6	1685,2	4,8	3,5	6,1	7,1
Сурхондарё	156,6	573,7	807,9	933,3	5,2	3,1	3,7	3,9
Сирдарё	48,0	288,5	620,8	671,8	1,6	1,6	2,8	2,8
Тошкент	304,1	1498,3	1822,9	2495,6	10,1	8,2	8,3	10,5
Фарғона	133,2	756,1	1382,1	1494,0	4,4	4,1	6,3	6,3
Хоразм	56,3	299,3	657,4	968,7	1,9	1,6	3,0	4,1
Тошкент ш.	606,1	2586,0	5014,3	3534,2	20,2	14,3	22,7	14,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Кейинги йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштиришнинг марказлашган ва марказлашмаган манбалари ўртасидаги нисбат ўзгарган. Хусусан, 2013 йилда марказлашган инвестициялар жами ҳажмининг 5504,8 млрд.сўмни ёки 20,0 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 22052,5 млрд.сўмни ёки 80,0 фоизини ташкил этди¹⁸.

Юқоридаги жадвалдан минтақалар буйича асосий капиталга киритилган

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 2013 йил учун маълумотлари.

инвестицияларнинг ҳиссасини кўриш мумкин. Андижон вилоятини 2012 йилда 1139,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 988,8 млрд сўмга тушган. Аксинча Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 2013 йилга нисбатан 2014 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг миқдори ошган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан Самарқанд вилоятида 14 та лойиҳани амалга оширилиши кўзда тўтилган.

Шунга асосан, Тайлоқ туманидаги “Сиёб Шавкат Орзу” фермер хўжалигида сут ва сут махсулотларини ишлаб чиқариш учун техник базани такомиллаштириш ва модернизация қилиш ишлари якунланди.

Модернизация қилиш учун Молдова давлатининг “FCC DOUBLE COIN LLC” компаниясининг қиймати 330,9 минг АҚШ доллари булган сут махсулотларини қайта ишлаш ускуналари харид қилиниб ишлаб чиқариш цехига ўрнатилди ва фермер хўжалиги томонидан бир йилда 300 тонна сутни қайта ишлаш имкони яратилди.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда сўнгги йилларда хорижий инвестиция ва кредитларнинг роли ошиб бормоқда. Жами инвестициялар таркибида корхона ва аҳоли маблағлари кўп улушни ташкил қилиши бу иқтисодиёт учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Ва аксинча, агар умумий инвестициялар ҳажмида республика бюджетидан ажратилган маблағлар улуши юқори бўлса, унда мамлакат иқтисодиёти тўлалигича давлат бюджетига боғлиқ деб хулоса чиқариш мумкин.

Шунингдек қуйидаги жадвалда 2014 йилда Самарқанд вилоятининг амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини кўриш мумкин.

**Мамлакатимизда 2014 йилда амалга оширилиши режалаштирилган
инвестиция лойиҳалари**

№	Худудлар	Лойиҳалар		
		сони	қиймати (млн. сўм)	иш ўринлари сони
1	ҚР	106	9234	585
2	Андижон вилояти	109	7799	493
3	Бухоро вилояти	64	15485	407
4	Жиззах вилояти	97	21078	748
5	Қашқадарё вилояти	100	51072	1008
6	Навоий вилояти	67	11054	326
7	Наманган вилояти	54	15097	487
8	Самарқанд вилояти	110	38033	1161
9	Сурхондарё вилояти	122	40229	1445
10	Сирдарё вилояти	95	24957	1112
11	Тошкент вилояти	55	20554	548
12	Фарғона вилояти	87	21228	776
13	Хоразм вилояти	68	21655	591
14	Тошкент шаҳри	46	24827	646
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА		1180	322302	10333

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилда Самарқанд вилоятида 110 та инвестиция лойиҳари режалаштирилган бўлиб, қиймати 38033 млн сўмни ташкил қилган. Шу лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида 1161 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Демак республика бўйича 1180 инвестиция лойиҳалари режалаштирилган бўлса, шундан лойиҳаларнинг сони бўйича биринчи ўринда Сурхондарё вилояти, иккинчи ўринда Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда.

2.2.3 - жадвал

**2014 йилга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг соҳалар
бўйича тақсимоти**

№	Худудлар	Сутни қайта ишлаш			Гўштни қайта ишлаш			Мева-сабзавотни қайта ишлаш			Бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш		
		сон	қиймати (млн. сўм)	иш ўринлари	сон	қиймати (млн. сўм)	иш ўринлари	сон	қиймати (млн. сўм)	иш ўринлари	сон	қиймати (млн. сўм)	иш ўринлари
1	ҚР	7	1038	39	1	50	5	2	268	24	96	7878	517
2	Андижон вилояти	15	1233	65	7	475	36	5	295	27	82	5796	365
3	Бухоро вилояти	6	4552	42	4	1942	33	6	1985	70	48	7006	262
4	Жиззах вилояти	9	1332	82	7	1013	84	13	2852	183	68	15881	399
5	Қашқадарё вилояти	13	3217	91	9	2335	74	12	26972	367	66	18548	476
6	Навоий вилояти	5	1566	42	4	1620	26	1	700	10	57	7168	248
7	Наманган вилояти	5	6130	59	5	1350	28	4	860	78	40	6757	322
8	Самарқанд вилояти	24	11246	272	6	1246	51	14	112738	245	66	12803	593
9	Сурхондарё вилояти	10	5765	243	7	3230	120	8	7317	234	97	23917	848
10	Сирдарё вилояти	13	5875	250	9	2510	73	11	1546	148	62	15026	641
11	Тошкент вилояти	7	4014	112	2	304	6	4	1537	25	42	14699	405
12	Фарғона вилояти	7	1248	42	3	587	20	14	6400	237	63	12993	477
13	Хоразм вилояти	11	2507	97	3	350	21	14	4238	144	40	14560	329
14	Тошкент шаҳри	6	2188	40	5	4405	78	2	3595	113	33	14639	415
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА		138	51911	1476	72	21417	655	110	171303	1905	860	177671	6297

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

Жадвал маълумотларидан 2014 йилга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг соҳалар бўйича тақсимоти бўйича Самарқанд вилоятининг улуши сутни қайта ишлаш бўйича 24 лойиҳалар режалаштирилган бўлиб, қиймати 11246 млн сўмни ташкил этса, гўштни қайта ишлаш бўйича бта лойиҳадан иборат бўлиб, уни молиялаштириш суммаси 1246 млн сўмни ташкил этган. Шу билан бир қаторда Самарқанд вилояти бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 66 та инвестицион лойиҳалар режалаштирилган бўлиб, уларни амалга ошириш жараёнида 593 та янги иш ўринларини яратиш кўда тутилан. Шунингдек жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Самарқанд вилояти инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ва республикада инвестиция фаолиятини ривожлантиришда юқори ўринларни эгаллаб бормоқда.

Юқорида айтиб ўтилган, умуман хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни йилдан йилга ортиб боришига ўз хиссасини кўшмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз ҳудудида жами 4815 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона мавжуд бўлса, шундан 472 таси 2013 йилда ташкил этилди.

Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг кейинги йиллар мобайнида нисбатан ўсиш тенденцияси вилоятнинг барча соҳаларида кузатилди. Шунингдек, ҳудуд иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар кейинги йиллар мобайнида ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда

Шу ўрида қуйидаги жадвалдан Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг ташқи савдо фолиятини туманлар кесимида кўриш мумкин.

**Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган хорижий сармоялар
иштирокидага корхоналарнинг ташқи садо фаолияти**

Туман/шаҳар номи	Корхона сони			Экспорт		Импорт		Ташқи савдо баланси
	жами	Шундан, 2015 йилда ташкил топган	Фаолият юритаётган	Корхона сони	Ҳажми (минг доллар)	Корхона сони	Ҳажми (минг доллар)	
ЖАМИ	255	23	240	31	30394,9	105	132778,6	-102383,7
Самарқанд шаҳри	138	13	125	10	8497,3	41	55235,1	-46737,8
Каттақўрғон шаҳри	3		3	1	294,5			294,5
Булунғур тумани	3	1	3		15011,6	1	2104,3	1907,3
Жомбой тумани	19	2	18	2	845,8	10	4007,6	-3161,9
Иштихон тумани	3		3					
Каттақўрғон тумани	2		2			1	4633,8	-4633,8
Қўшробот тумани	1	1	1			1	355,7	-355,7
Нарпай тумани	3	1	3			1	6278,0	-6278,0
Нуробод тумани	2		2					
Оқдарё тумани	5		5	3	2939,1	3	1370,5	1568,5
Пайариқ тумани	1		1					
Пастдарғом тумани	8		8	3	1170,7	5	1880,8	3898,9
Пахтачи тумани	2	1	2					
Самарқанд тумани	21	1	20	2	3267,1	9	13316,3	-10049,2
Тайлоқ тумани	8	2	8	1	41,1	3	1377,6	-1336,5
Ургут тумани	36	1	36	8	7227,7	30	42218,8	-34991,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда вилоят бўйича 23 та корхоналар ташкил этилган бўлиб улардан энг кўп қисми Самарқанд шаҳрига яъни 13 таси тўғри келмоқда. Шунингдек вилоятда 255та корхоналардан 240таси ҳозирги кунда ўз фаолиятини давом эттирмода.

Ҳозирда, шулар қаторида, мамлакатимизга замонавий технологияларни жорий қилган ҳолда Малайзиянинг “Petronas”, Жанубий Африка Республикасининг “Sasol”, Хитойнинг “CNPC”, Жанубий Кореянинг “Kogas” ва “KNOC”, Швейцариянинг “Nestle” ва “Rieter”, АҚШнинг “General Motors” ва “Honeywell”, Германиянинг “MAN”, “Claas”, “Knauf” ва “Lemken”, Япониянинг “Isuzu”, Сингапурнинг “Indorama Group” ва бошқа машҳур компаниялар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун устувор вазифалар сифатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инвестиция жараёнларини кучайтириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш қабилар қайд этилади. Бунда иқтисодиёт учун асосий вазифалар кўпроқ саноатнинг алоҳида тармоқларини жадал ривожлантириш ва улар корхоналарининг самарали фаолиятини таъминлаш орқали ҳал этилмоқда, бу минтақанинг саноат салоҳиятини оширади.

Саноат корхоналарининг барқарор фаолияти кўп жиҳатдан республикада яратилган иқтисодий шароитлар ва улар фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. Бироқ рақобатнинг кучайиши ва мамлакатимиз корхоналари учун хўжалик юритиш шартларининг қатъийлаштирилиши ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда уларга нисбатан алоҳида талабларни қўймоқда. Самарали фаолият юритувчи тижорат корхонасигина бозор рақобати шароитида омон қолиш ва ривожланишга қодир. Фаолиятнинг якуний молиявий натижаси самарадорликни баҳоловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ўтган 2014 йилда минтақавий аҳамиятдаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини иш билан банд қилиш даражасини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари барпо этиш чора-тадбирларининг амалга оширилишини

белгилаб берган ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши билан аҳамиятли бўлди. Ана шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Минтақавий аҳамиятдаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш – “йўл харитаси” дастурларини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридир¹⁹. Республикаимизнинг 9 та минтақасида 41 та корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи ўрганиб чиқилди, шунинг 3 тасини тугатиш таклиф этилди. Қолган 38 та корхона учун 2014 йилга мўлжалланган ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштиришни назарда тутувчи дастурлар – “йўл хариталари” ишлаб чиқилди. Самарқанд вилоятида 10 та ана шундай “йўл харитаси” амалга оширилмоқда.

Дастурга мувофиқ 59,18 млрд. сўм ушбу корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш йўналтирилади, шунинг 51,78 млрд. сўмини корхоналарнинг ўз маблағлар ва 7,4 млрд. сўмини банклар кредитлари ташкил қилади. «Йўл хариталари»га мувофиқ мазкур корхоналар 2014 йил якунларига кўра 295,888 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши ёки хизматлар кўрсатиши ва 10,42 млрд. сўм миқдорида фойда олиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати ва масъул давлат тузилмалари томонидан бўш турган ер майдонларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар ортиқча ер участкаларининг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари захира фондига олиб қўйилиши ҳамда кичик саноат зоналарининг ташкил этилишини назарда тутуди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 28 майдаги 133-сонли “Минтақавий аҳамиятдаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш – йўл харитаси” дастурларини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори²⁰ билан очик савдоларда сотилиши лозим бўлган 35 та давлат активининг рўйхати тасдиқланди.

Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг иқтисодий ишлаб чиқариш салоҳиятининг бир жойга тўпланиши ҳамда корхоналарга нисбатан қўлланиладиган инқирозга қарши чоралар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

1. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиёт секторлари ва корхоналарини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш стратегиясининг изчил ва самарали амалга оширилиши мамлакат асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ижобий динамикаси ва чуқур инқирозий ҳолатни четлаб ўтишни таъминлади, республикамизда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақаларни инқироздан кейин янада мутаносиб ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратди.

2. Самарқанд вилоятида ўтган йилларда 19,1 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот рўйхатга олинди. Вилоятда ишлаб турган корхоналар молиявий натижаларининг таҳлили, 2010-2013 йиллар мобайнида уларнинг фойда даражаси ўсганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга ушбу давр мобайнида вилоятда зарар кўриб ишлаган минтақа аҳамиятига эга корхоналар сони йилига 9 тадан 12 тагачани ташкил этган.

3. Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар тажрибасига кўра, банкрот корхоналарнинг энг катта улушини паст рентабелли ва молиявий беқарор бўлган ҳамда паст рентабеллик билан ишлаб чиқариш ҳажмини асоссиз тарзда оширган корхоналар ташкил этади. Шу билан бир вақтда, қониқарли рентабеллик кўрсаткичларига эга, аммо ликвидли активларнинг сурункали

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-сонли “Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

тақчиллигига ёки катта ҳажмдаги қўшимча харажатларга ёки ўта қатъий бошқарув тузилмасига эга корхоналар ҳам банкротликка учраган.

Шунингдек, корхоналарда банкротлик ҳолати унинг фаолияти билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра (етказиб берувчилар, мижозлар банкротлиги, катта тузилмавий ўзгаришлар) юзага келган.

4. Ўзбекистонда шаклланган иқтисодий ночор корхоналарни инвестициялар киритиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик янгилаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, эски иш ўринларини тиклаш ва янги иш ўринлари барпо этиш йўли билан уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш орқали молиявий соғломлаштириш механизми катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

5. Ўтган 2014 йилда корхоналарни молиявий инқироздан ва банкротлик ҳолатидан олиб чиқиш бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган «Йўл хариталари» ҳужжатлари ва уларда белгаланган кўрсатмаларнинг изчил бажарилиши иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини янада оптималлаштириш ва улар самарадорлигини оширишда асосий усул бўлиб хизмат қилди. Шуларни ҳисобга олганда, иқтисодий ночор ва банкротлик ҳолатига тушган корхоналарнинг инқирозга қарши бошқаруви стратегиясида «Йўл харита»ларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кенг ўрин ажратилиши лозим.

III боб. Самарқанд вилоятини барқарор иқтисодий ривожлантириш йўналишлари

3.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худуларни иқтисодий ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни таъминлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банklar ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишини эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча жамғармачилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб

олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди. Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди.

Инқироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

3.1.1 - жадвал

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари²¹

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисбатан % ҳисобида (2010 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган.

²¹ Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2009

АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

3.1.2 - жадвал

Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари²²

Мамлакат	Кредит маблағларига давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар		Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди		Бошқалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	Жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Инқирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155

²² Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2009

млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилган.

Буни мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан олиб бориш самараси сифатида ифодалаш мумкин. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, маҳаллийлаштириш дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, транспорт ва коммуникация соҳаси, хизмат кўрсатиш каби соҳаларнинг жадаллик билан ривожлантириш натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йиллардаги энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 2007 йилга тўғри келиб, у 109,5 фоизни ташкил қилган. Аммо 2008 йилда бошланган ва бутун дунёни қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бизнинг давлат иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Бу ҳақида Президентимиз И.Каримов шундай дейди: “Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”. “Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди”. Айнан шу сабабли ҳам 2008 йилги мамлакатимиз ЯИМининг ўсиш суръати 2007 йилга нисбатан 0,5 фоиз бандга паст кўрсаткични ташкил қилган бўлса, 2009 йили бу фарқ янада катталашди, 1,4 фоиз бандни ташкил этди. Узоқни кўра билиш, хавф соладиган хатарни олдиндан сезиш ва уни бартараф эта олиш каби ҳақиқий йўлбошчиларга хос бўлган хусусиятларга эга бўлган Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида юртимизнинг барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолинди ва 2010 ва 2011 йиллари мос равишда 8,5 ва 8,3 фоизни ташкил этди.

2012 йили ЯИМ ўсиши 8,2 ва 2013 йилда 8,0 фоизга тенг бўлди. Ҳажми бўйича ЯИМ 2012 йилда 96,6 ва 2013 йилда 118,9 трлн. сўмдан ошиқроқ суммани ташкил этди. Ушбу кўрсаткич дунё мамлакатлари кўрсаткичларидан анча юқори ва барқарор ўсиш тенденциясига эгадир (3.1.1-расм).

Албатта бундай кўрсаткичларга ўзидан-ўзи эришиб бўлмайди. Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичидаёқ оқилона ва самарали иқтисодий сиёсат ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, барқарор ривожланиш омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишига имконият яратди.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишининг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қулай институционал муҳит ва давлат кўмагини яратиш;

- иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислохотларнинг янада чуқурлаштириш учун ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишини институционал механизмларини такомиллаштириш;

- иқтисодиётни янада эркинлаштирилиши ва модернизация қилиш жараёнларини фаоллаштириш;

- иқтисодиёт тармоқларида маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга берилаётган имтиёз ва рағбатларни кенгайтириш орқали аҳолининг асосий қатламини иқтисодий фаолликка жалб қилиш;

- моддий-техника ресурслари ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимини эркинлаштириш;

- корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига давлат назорати органлари аралашувини янада қисқартириш ва бошқалар.

3.2 Вилоят иқтисодиётини барқарор ривожлантириш йўллари

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар, ҳукуратимиз томонидан аниқ ва пухта ишлаб чиқарилган миллий дастурнинг амалга оширилиши боис юртимизда, хусусан, Самарканд вилоятида ҳам юзлаб ишлаб чиқариш қувватлари уз фаолиятини бошлади, мавжудлари модернизация қилиниб, замонавий ускуналар билан жихозланди. Хозир мазкур корхоналарда турли хилдаги юкори сифатли, ракобатга чидамли бозорталаб махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, имкониятлар тегишли имтиёзлар туфайли вилоятда тадбиркорлик харакати авж олмоқда. Шу боис ҳам вилоятда ишлаб чиқарилаётган ялпи худудий махсулот ҳажмида хусусий тадбиркорларнинг улуши кескин ошмоқда.

Самарқанд замини табиий заҳираларга, хусусан, вольфрам, мис, оҳак, мармар, гипс, керамзид, алюминий, гранит ва бошқа минералларга бой ўлка.

Ушбу ер ости бойликлари мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Самарканд вилояти Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларидан бири ҳамдир. “Самарканд автомобил заводи” JV MAN AVTO” , “Ўзбекистон ВАТ”, “URGUGAZKARPET”, “ДАКАТЕКС”, “СамАнтепГилам” ҳамда “SIYOV SAHOVATI” қўшма корхоналари, “Самарканд лифт”, “Сино”, ва “Самаркандкимё” акциядорлик жамиятлари нафақат вилоят, балки мамлакат аҳамиятига молик ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобланади.

Барча жабҳаларда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётгани ҳамда давлат дастурлари бекаму-қўст ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида сўнги 5 йил мобайнида Самарканд вилоятида ЯХМнинг ўсиш суръати ўртача 10,5%ни ташкил этмоқда, энг аҳамиятли томони шундаки ЯХМ таркибида чуқур қайта ишланган, қўшимча қийматга эга янги турдаги махсулотлар ўсиши тобора ортиб бормоқда. Авваллари вилоят иқтисодиёти

кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий ўринни эгаллаб келган бўлса, ҳозир у 11,4%га камайиб, аксинча саноат ва хизматлари улуши кўпаяди. Мазкур соҳаларнинг жадал ривожланиши ўз навбатида янги иш ўринлари ҳажми ортишига, аҳоли фаровонлиги ўсишига ижобий таъсир этмоқда.

Вилоят саноатида таркибий ўзгаришлар амалга оширилгани натижасида тармоқлар ўртасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўзгармоқда. Хусусан, кейинги беш йилга нисбатан кимё саноати 4,3 марта, ўрмончилик ва ёғочни қайта ишлаш 12,2 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 2,4 марта енгил саноат 2,2 марта, озиқ-овқат саноати 1,9 марта, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 3,2 мартага ўсди ва ўртача йиллик ўсиш даражаси вилоят бўйича 22,6 фоизни, шундан аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш 15 фоизни ташкил этди.

Тармоқлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мисол учун, мустақиллик даврида вилоятда машинасозлик тармоғига асос солинди ва умумий ишлаб чиқаришда ушбу соҳанинг улуши кейинги беш йил давомида 12,5 фоиздан 17,1 фоизга ошди. Бу каби ўзгаришлар кимё ҳамда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида ҳам яққол кузатилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари бозор муносабатларининг муҳим субъектига айланди. Самарқанд вилятида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, вилоятдаги қарийб барча саноат корхоналарида эскирган ускуна ва технологиялар янгиланиб, янги тур, бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Жумладан, трикотаж ва чинни буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ускуналарнинг 60 фоизи, мебель ишлаб чиқаришда 80 фоизи, тикувчилик, тўқмачилик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариш дастгоҳларининг 90 фоизи янгисига алмаштирилади. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган иқтисодий дастурлар асосида вилятда қабул қилинган иқтисодий дастурлар асосида вилоятда янги турдаги саноат маҳсулотлари бўлмий юк

автомобиллари ва автобуслар,, уй-рўзғор шиша идишлари, маиший электр мосламалари, электр соат, кальцит, атирсовун, янги турдаги гилам ва палослар, замонавий мабеллар каби рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир вилоят бўйича жами 34 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улардан ўнтаси озиқ-овқат саноатида, 13 таси текстил соҳасида олититаси машинасозлик, биттаси қурилиш материаллари, тўрттаси бошқа ноозиқ-овқат ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритади. Корхоналарни техник жихатдан қайта қуроллантиришда эътибор қаратилгани туфайли лифтсозлик, кинап, сино заводларида замонавий маҳсулот турлари ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз тадбиркорлари чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар барпо этишга жиддий эътибор қаратмоқда, чунки бундай ҳамкорликлар жаҳон бозорларига чиқишимиз учун имкон яратади. Самарқандлик тадбиркорлар ҳам ана шундай ҳамкорликлар натижасида такил этилган қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантириб, ички бозорнисифатли маҳсулотлар билан тўлдирмоқдала, шунингдек, уларнинг маҳсулотлари хориж бозорларига ҳам дадил кириб бормоқда. Мисол учун, вилоятда сўнгги йилларда ип-калава ишлаб чиқарадиган тўртта қўшма корхона, гилам вапалослар ишлаб чиқарадиган 15 та қўшма корхона ва қарийб 70 тадан ортиқ йирик қўшма корхоналар ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда бу корхоналарда йилига 990 млрд сўмликдан сиёд қийматдаги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу жами саноат маҳсулотининг 38,4 фоизини ташкил этади. Айниқса, гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни жадал ривожланиш палласига кирди. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан ўтган йил якуни билан жами 17,6 млн квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрланди.

“СамАнтепгилам” Ўзбекистон –Туркия қўшма корхонасида маҳсулотларни ихаридоргир, халқаро талабларга мос даражада ишлаб чиқариш учун чуқур модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада

йиллик қуввати 3,5 млн квадрат метр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва қўшимча 45та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунгача мазкур корхона томонидан 7500 мин АҚШ долларилек маҳсулот экспортга чиқарилди.

2013 йилда 34 йирик корхона томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари улуши вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида 54,8 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар улуши эса 45,2 фоизни ташкил этди. Ўсиш асосан янги саноат корхоналари ташкил этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Самавто” МЧЖда ўтган йил 3500 дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқилди ва ўсиш 2012 йилга нисбатан 12,9 фоизни ташкил этди, Самарқанд шаҳридаги “Дақа текс” қўшма корхонасида эса 23 млрд сўм миқдоридики маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 20,1 фоизўга ошди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида юк автомобиллари, автобуслар ҳамда совуткич, музлаткич, кондиционер, ўқув лаборатория жиҳозлари, автоприцеплар, уч ғилдиракли мотоцикл, мева-сабзавотларни қуритиш шкафлари, МАН 612 шасси учун махсус техникалар, спорт ва тиббий жиҳозлари, умумсаноат учун металл ва стеклопластик маҳсулотлар, лиминацияланган ДСП, спорт ва дам олиш қайиқлари, инфузион суюқлик ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ургут туманида жойлашган “Сам нур тафвиз” қўшма корхонасида электродуховка ишлаб чиқариш, “Акфа экспорт” ҚҚда резина оёқ кийимлари учун гранулалар, Булунғурда “Хамидобод имкон” МЧЖда тиббиёт ускуналари учун резинали пробка ва алюмин қоплагичлар, Самарқанд туманидаги “Сам рос холод” МЧЖ қўшма корхонасида цементли ва металл сендвич панеллар ҳамда Жомбойдаги “Жомбой жавоҳири” қўшма корхонасида микрокальцит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аҳамиятли томони шундаки, қабул қилинган дастур доирасида ишлаб чиқарилаётган

экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг 40-80 фоизи маҳаллий ҳомашёлардан тайёрланмоқда.

2013 йилда жами 40 та лойиҳа амалга оширилди ва 698,4 млрд сўмлик импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқарилиб, йиллик режа 119,6 фоизга бажарилди. Дастурдаги лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 22,5 млн долларлик чет эл валютаси иқтисод қилинди ва 92 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кооперация алоқаларини ривожлантириш корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигининг муҳим омили бўлиб, бу янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадлари кўпайишининг асосий омилига айланмоқда. Масалан, 2012 йили ўтказилган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этган ҳудудий корхоналар томонидан 13124 млн сўмлик 123 та шартнома имзоланган эди. Халқаро тадбир доирасида тузилган шартномалар орқали ҳудудий корхоналар томонидан 2013 йилнинг январь-декабрь ойларида 13124 млн сўмлик маҳсулотлар сотиб олинди, белгиланган режа 100 фоиз бажарилди.

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоезди қатновирнинг йўлга қўйилгани, айтиш жоизки, бутун Ўзбекистон аҳлини тўлқинлантирди. Зеро, бу каби улкан лойиҳалар ҳаётга самарали жорий этилаётгани иқтисодиётимиз жадал суръатлар билан юксалиб бораётганини кўрсатади. “MAN” русумидаги оғир юк кўтарувчи автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилгани эса Ўзбекистон автомобилсозлик соҳасида ташлаган яна бир залворлик қадами бўлди.

Самарқандда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки бу жараён шаҳар қиёфасини кескин ўзгартирганидан ташқари инсонлар ҳаётида ҳам сезиларли ижобий

Ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Албатта, бу каби тадбирлардан Самарқандлик жуда мамнун эканлиги шаҳарнинг янада ободонлашиши, инфратузилманинг такомиллашиши, аҳоли турмуш тарзида қўшимча қулайликлар яратилиши, ҳаёт даражаси янада фаровонлашишига олиб келмоқда. Ўтган йили амалга оширилган бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳарда 7,2 км узунликдаги йўл таъмирланиб, эни 10 метрдан зиёд икки томонлама замонавий йўл қурилди, 453 та объектда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Шундан 42 таси кўп қаватли уй-жойлар, 163 таси савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 61 таси ижтимоий соҳа объектлари, 26 таси маъмурий бино, 162 таси эса, хусусий уй-жой биноларидир. Регистон ва Тошкент кўчалари кесишмасида янги йўлбарслар хиёбони ташкил қилиниб, Жаҳон банки ажратган кредит маблағлари ҳисобидан 1300 метр канализация тармоғи ўтказиш учун трассировка ишлари бажарилди, 800 метрлик канализация тармоғи ётқизилди. Шунингдек, “Динамо” стадионида реконструкция ишлари амалга оширилиб, ҳозирда мазкур ўйингоҳ замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган спорт масканига айлантирилди. Бундан ташқари, шаҳарда расмий меҳмонларни қабул қилиш мажмуаси ишга туширилди ва Г 34 кўчасида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Мамлакатимиз ташқи савдо муносабатларида Самарқанд вилоятининг улуши салмоқли ҳисобланади. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 777,8 млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2012 йил мос даврига нисбатан 124 фоизга етказилди. Шундан экспорт 150,8 млн ва импорт 627 млн АҚШ доллари (ўсиш 125,7%)ни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий фаолият доираси жуғрофий жиҳатдан ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятнинг 450 га яқин корхонаси дунёнинг 125 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий муносабатлар ўрнатган. Натижада сўнгги 5 йил давомида вилоятнинг ташқи савдо ҳажми 174 % га ошди. Бундан ташқари, 2013 йилда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият ҳажми 393 млн

АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилги мос даврига нисбатан 30,4 % кўпайди.

Худудий тасаруффидаги корхоналарда ҳам модернизация қилиш ишлари амалга оширилиб ишлаб чиқариш кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўтган йили 85 та корхона ҳисобидан 126,6 млн АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот (иш, хизмат)лар экспорт қилиниб, прогноз кўрсаткичи 105,7 % бажарилди.

Вилоят экспортининг худудий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий улуш Самарқанд, (59,2млн АҚШдоллар) шаҳрига тўғри келмоқда. Бу эса вилоят бўйича оширилган экспортнинг 46,8% ини ташкил этади. Бу борадаги кўрсаткич Ургут туманида 11,5%, Самарқанд туманида 14,1 %, Пасторғон туманида 13%ни ташкил этди. Қолган туманлардаги аҳвол эса хали экспорт борасида муайян ишлар амалга оширилиши зарур эканини кўрсатмоқда.

Самарқанд вилоятида иқтисодиётга инвестиция жалб этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят иқтисодиётига 2013 йил якуни билан жами 1813,2млрд сўмлик инвестиция киритилиб, бу борада ўтган йилга нисбатан 120 % лик кўрсаткичга эришилди. Инвестицияланинг 38,8млрд сўмни тўғридан-тўғри фоизлик сармоялаб ва кредитлар ташкил этди. Жами ўзлаштирилган сармояларнинг 17,7 %марказлашган ва 82,3% марказлашмаган инвестициялардир.

Инвестициялар тузилмасига назар ташлайдиган бўлсак, марказлашган инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағи 91,5млрд сўмни бюджетдан ташқари жамғармалар маблағи 186 млрд сўмни ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар 44,3 млрд сўмни ташкил этди.

Кейинги йилларда вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Ҳозирда бу соҳа вилоятнинг ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.Зеро, хизмат кўрсатиў соҳаси ишсизликни бартараф этиш, аҳолини муқим даромад манбалари билан таъминлашда катта роль

ўйнайди. Шу боис кўпгина ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизматлар соҳаси улуши 60% дан кам эмас. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани ривожлантиришда қаратилган давлат дастури амалга оширилиши натижасида ялпи ҳудудий маҳсулотлардаги хизматлар улуши 37,7%дан 44,5%га етказилди. Хизматлар соҳасида савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, молия ва банк, алоқа ва ахборотлаштириш, туризм ва сайёҳлик хизматларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Хусусан кейинги 5 йил мобайнида вилоятда 4832 та хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди. Натижада бугунга келиб жами 23329 та турли хилдаги хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Биргина “Обод турмуш йили”да 1221 та ана шундай шахобча ташкил этилди. Шулардан 218 таси чакана савдо 70 таси умумий овқатланиш 13 таси гузар, 89 таси кийим тикиш ва таъмирлаш, 92 таси поябзал тикиш ва таъмирлаш, 152 таси сартарошхона, 58 таси суратхона, 44 таси маиший техникаларни таъмирлаш, 22 таси мебелларни таъмирлаш, 52 таси автомобил ва бошқа техникалар 305 таси хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар нафақат саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари илаб чиқаришни кўпайтириш, хосилдорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда вилоятимизда 401 минг гектар майдонда деҳқончилик қилинади ва республикада етиштириладиган пахтанинг етти, ғалланинг 12 % тайёрланади.

Бугунги кунда вилоятда фермерларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар 171 та муқобил МТП, 121 та ёқилғи – мойлаш материаллари қуйиш, 84 та ўғит сотиш шахобчалари, 115 тас мини банк, 435 та зооветеринария хизмати, 35 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шахобчалари хизмат кўрсатмоқда.

2012 йил якуни билан барча тоифадаги хўжаликларда дон ишлаб ишлаб

чиқариш хажми 839 минг, картошка 481 минг, сабзавот 1351 минг, полиз 90 минг, мева 301 минг, узум 468 минг, гўшт 214 минг, сут 994 минг, асал 605 минг, балиқ 1124 минг тоннани ва тухум 834 млн донани ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалла асосий экин тури ҳисобланиб, 2013 йилда 2532 та фермер хўжалигида 91,5 минг гектар майдонга пахта чигити қадалди ва 224,4 минг тонна пахта хом ашёси йиғиб олинди. Пахта хосилдорлиги ўртача 24,5 центнерни ташкил қилиб 2009 йилга нисбатан 1,8 центнерни ошишига эришилди. 190,3 минг гектар ғалла майдонидан 839 минг дона хосил олди ва ўртача хосилдорлик 50,1 центнерни ташкил этди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2009-2013 йилларда жами 6042,3 км зоурда таъмирлаш – тиклаш ва реконструкция ишлари олиб борилди. 24,7 млрд сўм маблағ сарфланиши натижасида 72,8млн гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Натижада ушбу майдонларда ғалла хосилдорлигини 4-5 центнер, пахта хосилдорлиги эса, 2-3 центнерга кўпайди.

Вилоятда чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам вқулай шарт-шароит яратилган. 2013 йилда йирик шохли қорамоллар 1332 минг бош (2009 йилга нисбатан 11,8%), ни ташкил этди. 2013 йилда 86 йирик лойиҳа бўйича 2257 минг бош қорамол сотиб олинди. Ушбу мақсадлар учун 5253 млн сўм тижорат банк кредитлари ажратилди, 55 та йирик лойиҳа бўйича 419 минг бош парранда сотиб олинди ва ушбу мақсадлар учун 2935,2 млн сўм тижорат банк кредитлари жалб этилди. Шунингдек, вилоятда балиқчилик асаричиликни ривожлантириш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий қилинмоқда.

Самарқанд вилояти республикамизнинг марказий қисмида жойлашгани сабабли замонавий йўл-транспорт инфратузилмасига эга бўлиши мазкур худуд учун ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш магистрал йўллар атрофини ободонлаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йилда

Булунғур, Тайлоқ , Жомбой, Иштихон, Самарқанд туманлари худудидан ўтган магистрал йўллар атрофида етти та автомобилларга уюштирилган ва сиқилган газ қуйиш станцияси Самарқанд туманида мотель ва автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш пункти Каттақўрғон туманида кемпинг, Иштихон туманида автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш пункти ва Пахтачи туманида “Ўзбектуризм” нинг хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди.

2013 йил йўл дастурига киритилган етти та лойиха бўйича халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари учун 67883 млн сўм маблағ сарфланиши режалаштирилиб 116 км йўлда тубдан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет ҳисобидан шаҳар типдаги аҳоли пунктлари ва хўжаликлараро қишлоқ ички йўллари таъмирлаш учун 5697 млн сўм маблағ сарфлани, 68,7 км автомобиль йўллари таъмирланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб мамлакатимиз қишлоқ худудларида янги замонавий турар жой мавзелари бунёд этилмоқда. Бу эса қишлоқ аҳолисини яшаш шароитини яхшилаш уларнинг равон ҳаётини таъминлаш борасида муҳим қадам бўлди. Мазкур ташаббуснинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунини халқимиз узоқ-яқин қўшни давлатлар халқаро экспертлари қайта –қайта эътироф этмоқда. Шу боис аҳолига замонавий уй-жойлар қуриб бериш борасидаги ишлар йил сайин кенг кўлам касб этмоқда. Масалан, 2009 йилда вилоятда 60 та замонавий типда янги уй-жой қурилган эди. Ўтган йили эса бундай уйларнинг 1050 таси ўз эгаларига топширилди. Натижада, Оқдарё тумани 160 та, Пасдарғонда 120 та, Самарқанд туманида 120 та, Ургутда 115 та, Тайлоқда 90 та Иштихонда 71 та, Жомбойда 170 та, Булунғурда 60 та, Паяриқда 60 та, Каттақўрғонда 54 та, Нарпайда 52 та, Пахтачида 23 та, Нурободда 35 та ва Қўшрабод туманида 20 та уй ўз эгаларига топширилди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки,

келажакда вилоятни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширилиши мумкин.

- минтақа доирасидагина мамлакатнинг устувор йўналишларини самарали амалга ошириш, жумладан аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин;

- амалиёт ва жаҳон тажрибаси хом-ашё базасини, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари муаммоларини фақат ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастур ва истиқбол режалари орқалигина ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда;

- йирик инвестицион лойиҳаларни асослаш ва амалга ошириш, уларни минтақага жалб этиш;

- ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларини ечиш;

- вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражасини кўтариш;

- минтақани меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаш;

- республика ва вилоят даражасида иқтисодиётни ривожлантиришнинг мақбул ва самарали бошқарув усул ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Самарқанд вилояти барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1) Вилоят иқтисодиётининг яқин келажакда ва ундан кейин ҳам барқарор иқтисодий ривожланишни таъминловчи бир қанча йўллар мавжуддир. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ва унинг ҳудудларида том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш; инвестицияларни кўпайтириш ва янги қувватларни ишга тушириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; ижтимоий ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш лозим

2) барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг катта ўзгаришларсиз динамикаси таъминланишида, инфляция суръатининг жиловланишида, ишсизлик даражасининг паст суръатда таъминланиб турилишида, узок муддат миллий валютанинг алмашинув курсининг пасайиши (девальвацияси) даражасининг паст суръатларига эришишда намоён бўлади;

3) иқтисодий ва молиявий барқарорлик таркибий ўзгартиришлар, иқтисодиётни жонлантириш, сўнгра уни бир маромда, мувозанатни сақлаган ҳолда ривожлантиришнинг асосий шarti сифатида биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён. У энг аввало танглик ҳодисаларига барҳам беришга қаратилган. Барқарорлаштирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги биз иқтисодий танглик ва барқарорлик тушунчасига қандай маъно беришимизга, уларни қандай идрок қилишимизга, қайси мезонларга кўра баҳолашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

4) иқтисодий барқарорликнинг бузилиши аввало инфляция даражасининг кўтарилишида намоён бўлади. Инфляция бозор иқтисодиётининг асосий издан чиқарувчи омиллари жумласига киради, унинг суръати қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётга хавfli таъсири шунчалик катта бўлади. Айниқса бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтаётган мамлакатларда инфляциянинг иқтисодиётга таъсири анча хавfli. Чунки, бу давр нархларнинг эркинлашуви ва шунга мувофиқ уларнинг умумий даражаси кескин ошиб кетиши билан боғлиқ;

5) иқтисодий ўсишнинг таклиф, талаб ва тақсимот омиллари мавжуд бўлиб, қисқа муддатли макроиқтисодий сиёсат нуқтаи назаридан талаб омиллари, узок муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш нуқтаи назаридан таклиф омиллари устуворлик қилади.

б) барқарорлаштириш сиёсати – энг аввало, бу макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул кадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балан-сини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ҳам ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат;

7) инфляцияга қарши сиёсат барқарорлаштириш сиёсатининг таркибий қисмидир. Аксилинфляция сиёсати-баҳолар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиктисодий сиёсатдир;

8) Ўзбекистондаги умумиктисодий вазиятни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда барча макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики 2015 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсган. Айниқса, сўнгги беш йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сезиларли даражада жадаллашди ва йилига ўртача қўшимча ўсиш суръати 8,0 фоизни ташкил этди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши иқтисодиётнинг барча реал секторларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши билан бирга борди;

9) барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари алоҳида аҳамият касб этади, чунки инвестиция суръатларининг ўсиши натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик таъминоти яхшиланади, янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилади, иқтисодий ўсиш суръатлари фаоллашади;

Вилоятда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида куйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1) коммунал хизматлар нархларининг кутарилишни чеклаш зарур. Бу учун соҳага бозор муносабатларини чуқурук сингдириш, сув, газ, электр энергия таъминотлари ўлчов асбобларини тўлиқўрнатиш зарур;

2) маҳаллий хамашё негизида тайер маҳсулот бутловчи қисмлар ва материлар ишлаб чиқариш куламларини кенгайтириш зарур. Бу янги иш жойлар яратилиши, аҳолининг даромадлари ўсиши, ички талаб ва таклифнинг кўпайишига олиб келади;

3) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хусусан мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт учун қулай божхона режимини яратиш зарур. Бу қушимча валюта маблағларини топиш, экспорт ҳажминини ошириш имконини беради 4) ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш, уни модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш, бу учун эса рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади;

4) миллий бойлигимиз ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида экин майдонлари таркибини қайта кўриб чиқиш, унда озиқ-овқат экинлари майдонини кўпайтириш лозим;

5) аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш ва бу маблағларни инвестиция мақсадларига йўналтириш иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз;

б) кичик бизнес ва тадбиркорликни янада жадал ривожлантириш, бу учун кичик бизнес субъектларига хизмат қилувчи бозор инфратузилмасини такомиллаштириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2003 й.
[http://www lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2013 йил 26 декабрь.
<http://www lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 1998 йил 24 декабрь. <http://www lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни, 1998 йил 30 апрель. <http://www lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 2012 йил 2 май (янги таҳрирда).
<http://www lex.uz>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни, 1996 йил 25 апрель. <http://www lex.uz>

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли фармони. <http://www lex.uz>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли фармони. <http://www lex.uz>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарори. <http://www lex.uz>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли қарори. [http://www lex.uz](http://www.lex.uz)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли қарори. <http://www lex.uz>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарори. <http://www lex.uz>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли Қарори. <http://www lex.uz>
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарори. <http://www lex.uz>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” ги 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1885-сонли қарори. <http://www lex.uz>
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” ги 2009 йил 28 октябрдаги ПҚ-1213-сонли қарори. <http://www lex.uz>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” ги 2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сонли қарори. <http://www lex.uz>

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори. [http://www lex.uz](http://www.lex.uz)
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли қарори. <http://www lex.uz>
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори. <http://www lex.uz>
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022-сонли қарори. <http://www lex.uz>

Ш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 8 январдаги 5-сонли қарори. <http://www lex.uz>
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 19 апрелдаги 115-сонли қарори. <http://www lex.uz>

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

24 Каримов.И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришяқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 15.01.2016й

24. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнлари изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январ, №11(9426).

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 56 б.

26. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 80 б.

27. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 32 б.

28. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.

29. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. -Т.: Ўзбекистон, 2010, 264 б.

30. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009, 56 б.

31. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 119 б.
32. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Халқ сўзи., 20 (3565)-сони, 2005 йил 29 январь.
33. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 269 б.
34. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1995. 76 б.
35. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.
36. Каримов И.А. 2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
37. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2009 йил 14 феврал.

V. Асосий адабиётлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар

38. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 2013. 128 б.
39. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013. – .384 бет.
40. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2011- 258 бет.
41. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010- 340бет.
42. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг

- йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009- 120 б.
43. Менкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: Изд-во МГУ, 1994. - 736с.
 44. Кушлин В.И., Волгин Н.А. Государственное регулирование рыночной экономики. Москва, Издательство «Экономика» 2000г.
 45. Пахонова Н.В, Рихтер К.К. Экономика отраслевых рынков и политика государства. Москва. Экономика 2009г.
 46. Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. Тошкент, 2011й.
 47. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Тезислар тўплами. и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиев тахрири остида. –Т.: ТДИУ, 2009. – 233 б.
 48. Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиев тахрири остида. –Т.: «Иқтисодиёт» нашр., 2008. -356 б.
 49. “Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. Масъул муҳаррир и.ф.н. У.Ў. Азизов. –Т.: ТМИ, 2013. 416 б.
 50. Чжен В.А. «Язык бизнеса» термины ИПК «Шарк» 1995г.
 51. Яллай В.А Макроэкономика. Учебное пособие. Псков, ПГПИ, 2003. 104 с.
 52. Косов, Н.С. Основы макроэкономического анализа: учебное пособие. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007.– 140 с.
 53. Экономическая теория: В3ч.Ч.3. Макроэкономика: Учеб. пособие. Челябин. гос. ун-т. Челябинск, 2002. 115 с.

54. Макроиктисодиёт фанидан мавзулар бўйича таянч конспект. Макроиктисодиёт кафедраси. ТДИУ. 2012й.
55. «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанидан мавзулар бўйича таянч конспект. «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» кафедраси. ТДИУ. 2013й.
56. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Навоий давлат педагогика институти. 2008й.
57. Матвеев Ю.В., Матвеев К.Ю. Инвестиции как источник модернизации национальной экономики. Вестник Самарского государственного экономического университета. Экономика. - 2012. - № 10.

VI. Интернет ресурслари

58. <http://www.mineconomy.uz>
59. <http://www.stat.uz>
60. <http://www.cbu.uz>
61. <http://www.finance.uz>
62. <http://www.lex.uz>
63. <http://www.worldbank.org>